

Мустафаева Шахло Мирзакуловна

Фавкуллода вазиятлар вазирлиги

КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРДА ДЕБИТОР ҚАРЗДОРЛИКНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада корпоратив тузилмалар дебитор қарздорлиги муаммолари ва бартараф этиш хусусидаги иқтисодий моҳияти ва асосий мезонлари, дебитор қарздорлиқни вужудга келишининг сабаблари ва уни тартибга солишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ўрганилган. корпоратив тузилмалар дебитор қарздорлигини бартараф этишда иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш йўллари, корпоратив тузилмаларда дебитор қарздорлиқни бартараф этишининг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш йўллари тўғрисида илмий хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: корпоратив тузилма, пул маблағлари, пул оқими, нақд пуллар, жорий актив, аудит, аудит ташиқоти, аудит дастури, ликвидлиқ., тижорат банки.

IMPROVING RECEIVABLES MANAGEMENT IN CORPORATE STRUCTURES

Abstract: This article examines the economic nature and main criteria of the problems and elimination of receivables of corporate structures, the reasons for the emergence of receivables and the organizational and legal basis of its regulation. scientific conclusions are presented on ways to improve the efficiency of economic mechanisms of corporate structures in the elimination of receivables, ways to improve the organizational and legal system of eliminating receivables in corporate structures.

Key words: corporate structure, funds, cash flow, cash, current asset, audit, audit organization, audit program, liquidity, commercial bank.

Кириш

Жаҳонда ҳўжалиқ юритувчи субъектлар ҳисобрақамларида молиявий ресурсларнинг тақчиллиги, шунингдек объектив ва субъектив сабаблар

натижасида шартнома шартларининг бажарилмаслиги оқибатида корпоратив тузилмалар ўртасидаги дебиторлик қарзлари ҳажми ортиб бориши кузатилмоқда. Жаҳон банкининг маълумотларга кўра, «Ривожланаётган мамлакатларнинг келажакдаги дебиторлик қарзлари миқдори жорий эмиссия даражасидан юқори бўлиб, қарийб олти баравардан ортиқ суммани ташкил этади, бунинг натижасида муддати ўтган дебиторлик қарзлари ҳар йили 10 миллиард АҚШ доллари атрофида бўлмоқда. Ушбу муддати ўтган дебиторлик қарзларининг аксарияти Лотин Америкаси ва Яқин Шарқ мамлакатларидан нефть ва ёқилғи маҳсулотларини импорт қилаётган АҚШ ва айрим ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади». Шу боис корпоратив тузилмаларда дебитор қарздорликни бартараф этиш орқали иқтисодий вазиятни барқарор ўсишини таъминлаш, мамлакат ва аҳолининг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор беришни талаб этмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодчи олим А.Б.Борисов умумий таҳрири остида тайёрланган иқтисодий энциклопедияда “Қарздорлик – бу маълум муддат ичида сўндирилиши лозим бўлган, хўжалик муносабатлари натижасида жисмоний ва юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган қарз суммасидир. Агар ушбу сумма уч йил давомида сўндирилмаса муддати ўтган ҳисобланади”, деган мазмунда иқтисодий таъриф берилган.

Қарздорликнинг иқтисодий моҳиятига берилган мазкур таърифда ҳамда қарздорлик суммасининг қиймат сифатида намоён бўлиши, шунингдек, қарздорликнинг иқтисодий категория сифатида амал қилиши эътибордан четда қолган. Маълумки, хўжалик субъектлари ўртасида вужудга келадиган қарздорлик суммалари пулда, яъни қиймат кўринишида амал қилади.

Фанда ва иқтисодий адабиётларда ҳамда кундалик ҳаётимизда “қарздорлик” иқтисодий термини билан бирга параллел равишда “дебитор қарздорлик” мазмундаги иқтисодий термин жуда кўп қўлланиши барчамизга маълум. Борисов А.Б “Дебитор қарздорлик – компания айланма капиталининг бир қисми, лекин ундириб олинмаган молиявий маблағидир”, деган тарзда таъриф берилган.

Таҳлил ва натижалар

Бозор иқтисодиёти шундай механизм ва тамойилларга асосланганки, иқтисодиётда барча ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тегишли меъёр ва мувозант ҳолатида бўлиши талаб этилади. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин, шу боис мамлакатда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тегишли меъёрлар ва мувозанатни таъминлаш мақсадга мувофиқ, агар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ушбу меъёрлар ва мувозанат таъминламаса ёки уларга амал қилинмаса турли инқироз ва зиддиятли ҳолатлар вужудга келади. Худди шу сингари мамлакатимизда хизмат кўрсатувчи корхоналарда ҳам дебитор қарздорликни тартибга солувчи, уларни бартараф этишга қаратилган тегишли меъёрлар билан таъминланмаслиги ва уларга амал қилинмаслиги қатор муаммоли ҳолатларни келтириб чиқаради.

Таҳлиллар ва амалга оширилган ўрганишларга таяниб айтишимиз мумкинки, электр энергияси ва газ таъминоти корхоналарида қарздорликни келтириб чиқаришга қатор омиллар таъсир этиб, уларнинг асосийлари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Хизмат кўрсатиш корхоналарида дебитор қарздорликнинг макродаражадаги салбий оқибатлари

Расмда электр энергияси ва газ таъминоти хизмати корхоналар қарздорлигини макродаражадаги салбий оқибатлари келтирилган, қуйидаги

ушбу ҳолатларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ жиҳатларини артрофлича баён этамиз.

Банк тизимида бундай ҳолатнинг вужудга келиши уларнинг кредитлаш имкониятларини пасайтириш билан бирга, мамлакатда пул муомаласи қонунини бузилиши ва охир оқибат макроиқтисодий даражада миллий валютанинг қадрини пасайишига олиб келади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектлар дебитор ва кредитор қарзлари ҳажмининг ортиб бориши, нафақат уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади, балки мамлакатнинг банк тизими фаолиятида ҳам ўзининг аксини топади.

Маълумки, мамлакат давлат бюджети даромадлари таркибида хўжалик юритувчи субъектлардан ундириладиган солиқлар асосий улушни ташкил этади (5-илова). Агар хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолиятида зиддиятли ҳолатлар мавжуд бўлса, яъни уларнинг дебитор қарзлар миқдори ортиб бориш тенденциясига эга бўлса, шунингдек, ушбу қарзлар ҳажми умумқабул қилинган меъёрлардан юқори бўлса буларнинг барчаси давлат бюджетига тўланадиган тўловлар миқдорига салбий таъсир кўрсатади.

1-жадвал

Юридик шахсларнинг бюджетга тўловлар бўйича боқиманда қарзларининг чорак бошига нисбатан ўзгариши


(йил охирига, фоизда)

№	Худудлар номи	2018	2019	2020	2021	2022
1.	Қорақалпоғистон	5	5	6	4	5
2.	Андижон	14	16	12	13	11
3.	Бухоро	5	4	6	5	4
4.	Жиззах	4	4	5	4	6
5.	Қашқадарё	6	7	6	5	6
6.	Навоий	3	2	4	3	4
7.	Наманган	11	12	11	13	12
8.	Самарқанд	2	2	3	3	5
9.	Сурхондарё	5	5	6	4	5
10.	Сирдарё	3	4	5	3	4
11.	Тошкент	8	8	7	9	8
12.	Фарғона	8	9	10	12	11
13.	Хоразм	7	7	6	8	7
14.	Тошкент ш.	19	15	13	14	12
Жами		100	100	100	100	100

Боқимандалик суммаларининг асосий улуши Андижон ва Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги юридик шахслар ҳиссасига тўғри келаётганлиги кўриниб турибди.

Албатта мамлакатимиз ҳудудларида бундай ҳолатнинг вужудга келишининг асосий сабабларидан бири ушбу ҳудудлардаги юридик шахсларнинг баланс ҳисоботларида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажмининг ортиб бораётганлиги бевосита таъсир кўрсатган.

Корхоналар қарзларининг макродаражадаги салбий оқибатлари билан атрофлича танишиш натижасида уни имконият даражасида бартараф этиш зарур эканлигининг яна бир марта гувоҳи бўлдик. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, хўжалик юритувчи субъектларнинг макродаражадаги қарздорлигининг салбий оқибатлари албатта микродаражадаги салбий ҳолатларга олиб келади ва аксинча, шу боис қуйида келтирилган расмда қарздорликнинг микродаражадаги салбий оқибатлари келтирилган.



2-расм. Хизмат кўрсатиш корхоналарида қарздорликнинг микродаражадаги салбий оқибатлари

Қуйида қарздорликнинг микродаржадаги салбий таъсирларини батафсил кўриб чиқиш орқали тадқиқот объектини янада чуқурлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодий адабиётларда корхоналар қарздорлигига берилган таърифларнинг қиёсий таҳлилиларига таяниб, улар бир-биридан жиддий фарк қилишининг гувоҳи бўлди ва шуларни инобатга олиб: «Қарздорлик – юридик ва жисмоний шахслар томонидан номаълум муддат давомида мол сотувчи ёки хизматлар кўрсатувчига тўланиши шарт бўлган молиявий қийматдир», деган тарзда муаллифлик таърифи шакллантирилди.

Хўжалик юритувчи субъектларда вужудга келаётган қарздорлик объектив жараён эканлиги эътироф этилди ва у асосли ва асоссиз равишда шаклланиши мумкинлиги илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг дебитор қарзларини дастлабки суммасидан паст даражада сотиб оладиган тижорат мақомига эга бўлган агентликларни ташкил этиш лозим.

Муддати ўтган дебиторлик қарзлари муаммо бўлиб келаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия бўлими таркибида «Дебиторлик қарздорликларни назорат қилувчи» бўлинма ташкил қилиш ва унда ишловчи масъул ходимларнинг ойлик иш ҳақини маълум давр давомида ундирилган муддати ўтган дебиторлик қарзига нисбатан белгилаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. –Самарқанд, 2020. 25 б.

2. Аминов З.Ю. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. –Самарқанд, 2019. 25 б.

3. Худайбергенов Д.Т. Иқтисодиётни ривожлантиришда товарлар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш имкониятлари. (Хоразм вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. –Самарқанд, 2020. 22 б.

4. Юлдашев Ш.К. Заработная плата в системы материального стимулирования труда в условиях формирования рыночных отношений. Автореферат дисс. На соиск. уч. к.э.н. –Т.:, 2014. 24 с.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. <https://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>